Дўзах шаҳватлар (нафсга ёқадиган нарсалар) билан ўралган, жаннат эса (нафсга) ёқимсиз нарсалар билан ўралгандир», дедилар

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Дўзах шаҳватлар (нафсга ёқадиган нарсалар) билан ўралган, жаннат эса (нафсга) ёқимсиз нарсалар билан ўралгандир», дедилар».
[Саҳиҳ] [Имом Бухорий ривояти]

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу ҳадиси шарифда дўзах ҳаром ишларни қилиш ёки фарз амалларни бажармаслик каби нафсга ёқадиган ишлар билан ўралганини баён қилдилар. Бинобарин, ким мазкур ишларда нафс-ҳавосига эргашса, дўзахга киришга ҳақли бўлур. Жаннат эса, буюрилган тоатларда бардавом бўлиш, ҳаром қилинган ишларни тарк этиш ва бунда сабр қилиш каби нафс ёмон кўрадиган нарсалар билан ўралганини баён қилдилар. Ким мазкур ишларда нафси билан курашиб, бардошли бўлса, жаннатга киришга ҳақли бўлади.

http://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/3702